Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 11 декабрь, шанба № 236—237 (21.588). Сотувда эркин нархда.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ





9 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди . Сайфулла Сайдалиев пенсияга чиқиши муносабати билан аризасига биноан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент И. Каримовнинг тавсиясига мувофиқ Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Мирзамурод Икромов Тошкент вилояти ҳокими, Бекобод шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Эркин Рўзиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Пойтахт вилояти меҳнаткашлари пахта хом ашёси, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида етакчи ўринни эгаллаб келар эди, — деди Ислом Каримов. — Пахта етиштиришдаги Тошкент технологияси каби илғор усуллар, чорвадорларнинг тажрибалари ўша даврга хос ибратли ишлар эди. Вилоятда деҳқончилик илмининг усталари, ўз касби, қадр-қимматини улуғловчи, иродали ва зукко миришкорлар оз эмас.

Аммо, кейинги вақтда вилоятда кўпгина соҳаларда қолоқликка йўл қўйилди. Айниқса, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда изчиллик ижтимоий-иқтисодий масалаларга аниқ раҳбарлик сезилмай қолди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юз бераётган муайян қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан жиддий ишлар олиб борилаётган ҳозирги вақтда бундай камчиликларга бефарқ қараб бўлмайди. Вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми анча камайди, гўшт, сут етиштириш режалари сурункасига бажарилмай қолди. Пахта ҳатто сентябрь ойида ҳам суғорилгани сабабли кўсаклар пишмай қолди. Голландия технологияси асосида етиштирилган картошканинг бир қисми қор остида ётибди. Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳам ўлда-жўлда. Вилоятдан 600 миллион сўмлик маҳсулот четга олиб кетилаётганда божхона ходимлари томонидан ушлаб қолинди. Вилоят ҳокимлиги халқнинг ризқи бўлган бу маҳсулотларни олиб чиқиб кетиш учун асоссиз рухсатномалар берган.

Президент деҳқон хўжаликлари ва уларнинг фаолияти, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш масалаларига тўхталди. Вилоятда мавжуд саноат корхоналарини хусусийлаштириш, қишлоқ аҳолисини тоза сув ва табиий газ билан таъминлашда ҳам нуқсонлар борлиги айтилди.

Сўнгра Ислом Каримов ҳозирги вақтда раҳбар қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапириб, у бағрикенг, юртпарвар, кишилар ҳолидан хабар оладиган, ислоҳотларни изчил амалга ошириш учун жон куйдирадиган бўлмоғи кераклигини таъкидлади.

Сессияда Тошкент тумани М. Фозилов номидаги жамоа хўжалигининг раиси С. Муҳаммаджонов, Юқоричирчиқ тумани Аҳмад Яссавий номидаги жамоа хўжалигининг раиси А. Машахапов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Сигедин, Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Сессияда Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

(Сессия ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида босилади).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АВФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллиги муносабати билан меҳр-шафқат ва инсонпарварлик қоидаларига амал қилиб, қарор қиламан:

1. Биринчи марта қамоққа ҳукм қилинган аёллар ва балоғатга етмаган шахслар оғир жиноят, шунингдек, уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этмаган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

2. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган бошқа фуқаролар жазодан озод қилинсин.

3. Фармоннинг 1-моддасида санаб ўтилган шахсларнинг жиноий ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш тўхтатилсин.

4. Мазкур Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва 4 ой ичида ижро этилиши керак.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган мажлисида партия ташкилотларининг республикамиз Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида 1993 йил 7 декабрда сўзлаган «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни ўрганиб чиқиш ва тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қабул қилинган қарорда Президентимиз нутқининг катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятига эга эканлиги таъкидланиб, унинг чуқур мазмуни, назарий ва амалий моҳиятини ХДПнинг барча аъзолари томонидан ўрганиб чиқиш ва меҳнат жамоалари, маҳаллалар, чойхоналарда кенг тарғиб этишни йўлга қўйиш маҳаллий партия ташкилотларига тавсия этилди.

Нутқни ўрганиш жараёнида партия ташкилотларининг долзарб вазифаларини, ҳар бир партия аъзосининг иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, ёш авлодни Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, самарали меҳнат қилиш ва халқимизнинг осойишталигини кўз қорачиғидай асраш руҳида тарбиялашда ўрнини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозимдир.

Ушбу мақсадларда бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлигида тузилган сиёсий тўгараклар, партия кенгашларининг мулоқот клублари, маҳаллий матбуот, тарғибот ҳамда ташвиқотнинг бошқа шакл ва усулларидан кенг фойдаланиш таклиф қилинади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида давлатимиз раҳбарининг нутқида қўйилган масалалар, партия ташкилотларининг тарғиботчилик ишлари тўғрисида мақола ва хабарларни мунтазам бериб бориш кўзда тутилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.**

## БОШ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ

Ватанимиз шаҳар ва қишлоқларида бошланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги тантаналари мамлакат пойтахтидаги Халқлар дўстлиги саройида давом этди.

Асосий Қонунимиз зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат ўлароқ, жаҳонда янги, эгамен, истиқболи порлоқ давлат туғилганининг шаҳодатномаси бўлди. Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий негизи сифатида мазкур ҳужжат умуминсоний қадриятларга асослангани, демократик давлат тамойилларини акс эттиргани, жамият тараққиётини белгилаши билан ҳам қимматлидир. Унга амал қилмоқ юртимизни дунёнинг қудратли, бой-бадавлат, фаровон мамлакатларидан бирига айлантириши шубҳасиздир.

Муҳташам кошона тўрини безаган Ўзбекистон давлат байроғи ва ундаги Конституция рамзи тантанага янада улуғворлик бахш этган. Республика мустақиллиги кунидан кейин энг катта миллий байрамимиз ҳисобланган бугунги тантана иштирокчилари орасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари, шунингдек, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни учратиш мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Республикасининг юракларни тўлқинлантирувчи давлат madҳияси янгради.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида маъруза қилди.

Тантанали йиғилиш сўнгида республика санъат усталари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

# БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

*Республика Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи*

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун диёримизда Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаётидаги улуғ сана нишонланяпти. Бу — янги туғилган давлатимизнинг, ҳақиқий мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган ҳур Ўзбекистонимиз биринчи Конституциясининг бир йиллигидир!

Бир йил муқаддам халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессияси мамлакатимизнинг асосий қонуни — янги Конституцияни қабул қилди ва 8 декабрь кунини умумхалқ байрами деб белгилади.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва халқимиз тарихида абадий қоладиган, келажак авлодлар фахр билан эслаб юрадиган Ўзбекистон Конституцияси куни — қутлуғ айём билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаммамиз учун азиз бўлган Ватанимиз мустақиллигининг икки йиллигини яқинда нишонладик.

Бугун Ўзбекистон халқи улуғ аждодларининг анъаналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда осойишталик, барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда ўз келажагини қурмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда.

Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шарқни Ғарб билан боғлаган Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган буюк Турон — Мовароуннаҳр заминида қадимда ўзга мамлакатлар вакиллари нафақат тижорат билан шуғулланар, балки илм-маърифат, маданият дурдоналари ва давлатчилик асослари билан ҳам танишар эди.

Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур барпо этган, илм-фан, маърифат борасида ўрта асрлардаёқ дунёга танилган бир давлат, катта бир миллат ғоят чиройли сўзлар билан ниқобланган кўп йиллик мустамлакачилик асоратидан озод бўлганини бугун ҳис этмоқда.

Сир эмас, ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Асосий қонунимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин, ҳеч ким, ҳаттоки, бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Она Ватанини тарк этган, ўзларини «мухолифат» атаб юрган, четдан бериладиган садақа эвазига кун кечираётган бўҳтончи кимсалардан биронтаси Конституциямизга қарши бирор оғиз гап айта олмади.

Табиий бир савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нима?

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Шу билан бирга бу Конституция умумий мазмунидан тортиб, оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устивор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағри кенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, у Ўзбекистонимизда — шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатлар, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси

(Давоми иккинчи бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишни тартибга солиш, ходимларни асосий фаолиятдан ноўрин чалғитиш ҳолларига барҳам бериш, бу ишда такрорлаш ва параллелизмга йўл қўймаслик мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолиятини фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари иштирокида амалдаги қонунларга мувофиқ текширадилар.

Бош давлат солиқ бошқармасига бир ҳафта муддат ичида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини ҳар жиҳатдан текширишни мувофиқлаштириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш топширилсин.

2. Такрорлаш ва параллелизмга барҳам бериш мақсадида, қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида маҳаллий бошқарув органлари, давлат назорати, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, стандартлаштириш, метрология ва сертификация органлари ўзларининг республика ташкилотлари томонидан текшириш учун аниқ топшириқ кўрсатиб берилган тегишли рухсатномаларсиз текширишларни ўтказиш тақиқлансин.

3. Вазирликлар, Давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва республика бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу фармон талаблари жойларда қатъий бажарилишини таъминласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида амалдаги норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 10 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси 1993 йил 28 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 10 декабрь

• • •

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши кўзда тутилмоқда:

1. Мандат комиссиясининг маърузаси.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси 1994 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида.
4. «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
5. «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси хусусида.
7. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
8. «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида
9. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
10. «Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси хусусида.
11. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим фармонларини ўз кучини йўқотган, деб эътироф этиш тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бир қаторда халқаро шартномаларни ратификация қилишга оид, шунингдек, Олий Кенгашнинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар юзасидан бир қанча ҳужжатларни депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

## 23 ДЕКАБРДА ГАЗЕТАМИЗ БАЙРАМИ БЎЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси, ЎзХДП МК иккинчи котиби А. Жалолов олиб борди. «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Азим Суюн юбилейга тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берди. Комиссия «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигини шу йил 23 декабрда ўтказишга қарор қилди. Мажлисда мазкур юбилейни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар баён этилди, аниқ режалар белгилаб олинди.

